

"BUXOROENERGOMARKAZ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: «Buxoroenergomarkaz» aksiyadorlik jamiyati.

Рус тилида: Акционерное общество «Бухороэнергомарказ». Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Рус тилида: АО «Бухороэнергомарказ».

1.5. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.6. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Алпомиш кўчаси, 5 уй. Индекс: 705022.

1.7. Жамиятнинг электрон почта манзили: enmarkaz@umail.uz

1.8. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.enmarkaz.uz

2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ.

2.1. Қуйидагилар жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади ҳисобланади:

- иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва аҳолига коммунал хизматлари курсатиш;
- улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шугулланиш;
- халк истеъмол товарларини сотиш;
- кишлоқ хужалик маҳсулотлари етиштириш;

Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади. Жамият юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари ўзига қарашли бўлинмалар, корхоналар ишини яхшилаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш учун қонунчиликка зид келмайдиган бошқа ишларни ҳам бажариши мумкин.

2.2. Жамият фаолияти юқорида белгиланган фаолият турлари билан чегараланмайди. Жамият амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставга зид бўлмаган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин. Жамият ўз фаолиятини амалга оширишда ва жамият олдида турган вазифаларни ечиш учун қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланади:

Минтақалараро ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш:

- МДҲ давлатлари ва хорижий давлатлар корхона ва ташкилотлари билан ўзаро фойдалиҳамкорликни ривожлантириш;
- Ўзбекистан Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида филиал, ваколатхона қўшма корхона, ишлаб чиқариш цехлари, бўлинмалар ва бошқа янги корхоналарни ташкил этиш ва очиш;
- Ўқув муассасалари билан биргаликда шартнома асосида малакали мутахассисларни тайёрлаш;
- Биргалик фаолият ҳақидаги шартномалар асосида Жамият ва унинг филиаллари фаолиятига хорижий сармояларни жалб этиш;
- Ўзбекистан Республикаси ҳудудида ва ундан ташқари ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан турли битимлар тузиш ва уларни амалга ошириш;
- Ўзбекистан Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида кўчар ва кўчмас мулк, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқдарни ҳамда интеллектуал мулкни эгаликка сотиб олиш, қабул қилиш, ижарага бериш ва ижарага олиш;
- Турли уюшма, иттифоқ, консорциум, компания, бирлашмаларга аъзо бўлиш;
- Белгиланган тартибда банк муассасаларида турли ҳисоб рақамларни очиш, шу жумладан хорижий валютада, банк ссудалари ва кредитларидан фойдаланиш, қонунчиликка мувофиқ барча тўлов шаклларида фойдаланиш ва акцептлаш, амалдаги конвертация тартибига асосан ўз маблағларини ваколатли банклар орқали конвертация қилиш;
- Турли тендер ва танловларда иштирок этиш;
- Ўз хўжалик фаолиятини мустақил режалаштириш;
- Ўзбекистан Республикаси амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда мулк, қарз, камомад, бошқа йўқотишларни мустақил тарзда балансдан чиқариш;
- Жамиятнинг Устав вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш техник мақсадли буюмлар, хом ашё, материаллар, транспорт воситаларини сотиб олиш;
- Хомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;
- Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишчи ва хизматчиларига қўшимча таътил, қисқартирилган иш куни, иш жадвали ва бошқа ижтимоий имтиёзларни белгилаш ва тақдим этиш.

3. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ) МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамият Устав фонди миқдори номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 748 195 дона оддий ва 1 309 дона имтиёзли жами 749 504 дона эгаси ёзилган нақдсиз (хужжатсиз) акцияларга бўлинган 749 504 000 сўмдан иборат бўлиб, қуйидагича тақсимланган:

- Жисмоний ва юридик шахслар улуши – 100,0 фоиз, 749 504 000 сўмлик 749 504 дона акция;

а) Жамият Устав фонди миқдорини кўпайтириш.

3.3. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 19 500 000 дона эгаси ёзилган оддий нақдсиз ва 500 000 дона эгаси ёзилган имтиёзли нақдсиз акциялардан иборат.

3.6. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.7. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.

3.8. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.9. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул воситасида амалга оширилади.

3.10. Жамиятнинг устав фондиди акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.11. Жамиятнинг устав фондиди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

б) Жамият Устав фонди миқдорини камайтириш.

3.12. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шarti билан сотиб олиши йўли билан камайрилиши мумкин.

3.13. Агар устав фондиди камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган жамият устав фондидинг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондиди камайтиришга ҳақли эмас.

3.14. Устав фондиди камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.15. Устав фондиди камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондиди камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.